O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 26 март, №67 (3179) Чоршанба

## ФАРОВОНЛИГИМИЗ КАЛИТИ

*Жамиятимизнинг умуман янгиланиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар нечоғли самарали кечаётгани, қишлоқ ҳаётининг барча жабҳаларига нечоғли чуқур кириб бораётгани билан боғлиқ.*

**Ислом КАРИМОВ.**

Кеча матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Халқимиз ҳаётини яхшилаш билан бевосита боғлиқ бўлган ушбу тарихий ҳужжат тармоқда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини татбиқ этиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини кенгайтириш ҳамда уларнинг ишончли ҳуқуқли муҳофазасини таъминлаш йўлида муҳим омил бўлиши шубҳасиздир.

Ўзбекистон мустақиллигининг ўн иккинчи йилида Юртбошимиз айнан ушбу фармонни имзолаши бежиз эмас. Негаки, мамлакатимиз ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятининг ярмидан ортиғи муайян тарзда бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Айни пайтда дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, аграр тармоқнинг жадал ўсиши мамлакатда умумий иқтисодиётнинг тараққиёти учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ биз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга жиддий эътибор қаратдик. Ўтган давр мобайнида тармоқда муайян ютуқлар қўлга киритилганлигини таъкидлаш керак. Лекин, очиғини айтганда, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар ҳар жиҳатдан кўнгилдагидек юришиб кетмаяпти, бир қатор жабҳаларда депсиниш рўй бермоқда.

Хўш, нима қилмоқ керак? Президент Фармони худди ана шу муаммо ечими учун амалий қадамлар қўйишга даъват этади. Моҳият-эътиборига кўра, Фармон ижроси қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларини ўзгартириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини амалга оширишни таъминлайди. Маълумки, тайёрлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, молия-банк муассасалари ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар борлиги туфайли мавжуддирлар. Фармонда белгиланган муҳим йўналишлардан бири юқорида айтилган хўжалик субъектлари фаолиятини маҳсулот етиштиришга бўйсундиришдир. Ҳозирги пайтда самарали натижаларга эришаётган ширкат хўжаликлари ташкилий-ҳуқуқий шакли сақлаб қолинади. Мамлакат қишлоқ хўжалигининг истиқболи эса фермер хўжаликларини ривожлантиришда эканлиги кўнглимизда туради. Негаки, дунёдаги ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги ана шу шаклларда юксак натижаларга эришмоқда.

### Фармонни ўқиб

Фармоннинг 4-бандида кўрсатилишича, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари фермер хўжаликларини тузиш ҳамда улар фаолиятини ташкиллаштириш жараёнида, қоида тариқасида, тугатиладиган, зарар билан ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатлар негизида барпо этилади. Фермер хўжалигининг юридик шахс сифатида фаолият юритиши унинг мустақиллигини таъминлайди. Шу билан бирга, фермер хўжаликлари фаолиятни такомиллаштириш асносида турли шаклдаги кооперацияларга бирлашишлари мумкин.

Фармонда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг янгича шароитда асосий вазифалари белгилаб берилган. Яшириб нима қиламиз, ушбу вазирлик бир қанча йиллар мобайнида турли-туман маълумотлар тўплаш, ресурсларни тақсимлаш билан шуғулланиб келган эди. Натижада маҳсулот ўрнига қоғозлар кўпайган пайтлар ҳам бўлди. Энди ислоҳотлар ижроси йўлида муҳим ўрин тутувчи вазирлик зиммасига мувофиқлаштириш вазифаси юклатилди. Энг муҳим янгиликлардан бири вазирлик бошқаруви марказий аппарати тузилмасида пахтачилик, ғаллачилик, мева-сабзавот етиштириш ва уларни комплекс қайта ишлаш, чорвачилик, ер-сув ресурслардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва кимёлаштириш каби тармоқлардаги муаммоларни ҳал этиш бўйича Кенгашлар тузилажаги бўлди, дейиш мумкин. Мазкур Кенгашларга кўп йил қишлоқ хўжалигида ишлаган, бой ҳаётий ва ишлаб чиқариш тажрибасига эга, деҳқончилик академиклари, айни пайтда чин маънода ватанпарвар ва фидойи кишилар аъзо бўлишларини кўз олдимизга келтирамиз. Бундай Кенгашлар табиий-иқлим шароитлари, сув таъминоти ва бошқа омилларни ҳисобга олиб далада ишлаётган деҳқон ва чорвадорларга бебаҳо маслаҳатларини берадилар. Зеро, бир неча ўн йилликлар мобайнида мисқоллаб йиғилган тажрибани бошқалар билан баҳам кўриш, уни Ватан қудратини мустаҳкамлашга сарфлаш миллатимизнинг азалий қадриятларига киради.

Айтайлик, баҳорда салқин ҳарорат узоқ чўзилганда қайси минтақада чигитни қайси чуқурликка экиш маъқул? Ёзнинг жазирама кунларида ғўзадаги ҳосил нишоналари тўкилиб кетмаслиги учун қандай тадбир кўриш керак? Шу ва шу каби саволларга Кенгашлар аъзолари бой тажрибага таянган ҳолда тавсия беришса ҳар жиҳатдан фойдалидир.

Фармонга биноан фермер хўжалиги ва қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати)нинг янги намунавий уставлари, вилоят ва туман миқёсидаги қишлоқ хўжалик идораларининг янги низомлари вужудга келади. Бу ҳужжатларда қишлоқ хўжалик корхоналарнинг мустақиллигини кенгайтириш, ҳар бир бошқарув ва хўжалик юритиш субъектининг вазифа ҳамда мажбуриятлари аниқ чегаралаб қўйилиши, ширкат хўжаликларида кадрлар масалаларини ҳал этишнинг демократик шакллари, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг жорий фаолиятига маъмурий аралашувига барҳам бериш кўзда тутилади. Шунингдек, бозор муносабатларида маҳсулот етиштиришнинг асосий ҳужжати бўлган шартнома янада муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг мазмун-моҳияти асосий маҳсулот ҳисобланган пахта толаси, дон ва бошқа маҳсулотларни энг кам сарф-харажат билан етиштириш вазифасини бажаришга қаратилади. Айни пайтда ҳаммани масъул қилиб қўйиш амалиётидан воз кечилади, яъни мажбуриятлар ижроси учун томонларнинг жавобгарлиги аниқ белгилаб қўйилади.

Албатта, ушбу Фармондан келиб чиқиб амалдаги қонунларга муайян ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади, ҳукумат қарорлари қабул қилинади. Энг муҳими, халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилашнинг бевосита омили ҳисобланмиш қишлоқ хўжалигига эътибор янада кучаяди. Демак, мазкур тармоқда эришилажак муваффақиятлар халқ хўжалигимизнинг бошқа кўплаб жабҳалари ривожланишига имкон туғдиради. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармонини диёримизда яшаётган ҳар бир инсоннинг турмуш фаровонлигини яхшилаш сари ғамхўрлик сифатида қабул қилсак ўринли бўлур эди.

**Ш.ЖАББОРОВ.**

## ЙИЛ МУВАФФАҚИЯТЛИ БОШЛАНДИ

Гулистонда Сирдарё вилояти агросаноат соҳасида жорий ишлар аҳволи муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлари, тармоқ бошқармалари ва ташкилотлари, ширкат хўжаликлари ва деҳқон-фермер бирлашмалари ҳамда республикамизнинг қатор вазирликлари ва концернлари раҳбарлари ва етакчи мутахассислари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Йиғилиш қатнашчилари плёнка остига чигит экишдаги ишлар аҳволи ва оммавий экишга тайёргарлик, қишки бошоқли экинлар аҳволи ҳақидаги ахборотни тинглади. Маълумотлар аввал вилоятнинг барча туманларида бўлиб қайтган Республика ишчи комиссияси томонидан тайёрланди.

Мутахассислар сўнгги ойларда вилоятнинг аграр соҳасида салмоқли ижобий ўзгаришлар рўй берганини таъкидлади. Қишки экинлар билан банд 91 минг гектар майдонга ишлов берилди ва ўғитланди, экинларнинг зичлиги ва ривожи кўзни қувонтиради. Жорий йилда ҳар гектарда уларнинг сони ўтган йилдагидан 5-18 фоиз кўпроқ.

Бугунги кунда Сайхунобод ва Боёвут туманлари ғаллакорлари яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Қишда уч минг гектар майдонга экилган экинлар ривожланишдан бир оз ортда қолгани кузатилмоқда. Бироқ, бу камчилик бартараф этилмоқда. Далалар қўшимча минерал ва табиий ўғитлар билан ўғитланмоқда. Деярли барча майдонларда кузги шудгор ва бороналаш сифатли ўтказилди, ҳамма карталар четларида табиий ўғитлар тайёрлаб қўйилди.

Сирдарёликлар икки-уч ой ичида ортиқча қийинчиликсиз тракторлар, автомашиналар, культиваторлар ва сеялкалар сонини кўпайтиришга муваффақ бўлди. Масалан, вилоят техномарказида икки ой аввал бузуқ ҳолда ётган 20 та К-700 трактори бугун мавсумга шай ҳолатда турибди. Мутахассисларнинг фикрича, бугун маҳаллий меҳнаткашларнинг техник имкониятлари баҳорги экиш ишларини 12-15 иш кунида амалга оширишга ёрдам беради.

Йиғилишда Сирдарё вилояти ҳокими Р.Ҳайдаров иштирок этди.

**Т. АҲМАДАЛИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**





## Ҳосилнинг Баракасини Берсин!

*Уйчи туманидаги Абдували Мўминов номли ширкат хўжалиги деҳқонлари ўтган йили ҳар гектар ердан 33,8 центнер ўрнига 36 центнердан пахта йиғиштириб олган эди. Бу йил эса улар ҳосилдорликни 40 центнерга етказмоқчи. Шу ниятда жамоа далаларида чигит экиш ишлари жадал олиб борилаётир.*

*— Мавжуд 370 гектар майдоннинг 200 гектарида плёнка остига уруғ қадалиши режалаштирилганди, — дейди бошқарув раиси Тоҳиржон Исматуллаев. — Бу юмуш ўз вақтида, сифатли қилиб бажарилди.*

**СУРАТЛАРДА: *"Ҳосилнинг баракасини берсин!" — дейишмоқда механизатор Жалолиддин Дадақўзиев, меҳнат фахрийси Ҳакимжон Маҳкамов ва бошқарув раиси Тоҳиржон Исматуллаев; сеялкачи Аббосхон Турсунов.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

Анжуман

## ЕР ЭЪТИБОРГА МУҲТОЖ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси Ер ресурслари давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказган республика илмий-амалий анжумани қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш асослари масаласига бағишланди.*

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимиз ҳудудидаги экинзорлар унумдорлиги пасайиб, ернинг балл-бонитети тушиб кетди. Бу ер муносабатларини тартибга солишда қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Хўш, вазиятдан чиқиш учун нима қилиш керак? Алмашлаб экиш тизими издан чиқиб кетган шароитда тупроқшунос олимлар нега ўз сўзларини айтишмаяпти?

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти мажлислар залида ўтказилган мазкур илмий-амалий анжуманда ер билан ишловчи мутахассислар ва олий ўқув юртлари олимлари юқоридаги саволларга биргаликда жавоб излашди.

Парламент қўмитаси раиси И.Қаландаров, Ер ресурслари давлат қўмитаси раиси Э.Қурбонов, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С.Бегалиев, Тошкент аграр университети проректори Л.Ғофурова ва бошқа олим ҳамда амалиётчилар ўз сўзларида асосий эътиборни муаммолар ечимига қаратишди. Ер билан ишлашда агротехник юмушларнинг ўз муддатида амалга оширилмаслиги кечириб бўлмас хато, деб баҳоланди. Шундай таққос келтирилди: бугунгача Андижон вилоятида чигит экиш топшириғи эллик фоизга етди, чунки тупроқ усти ишларининг 80 фоизи бултур кузда бажариб қўйилганди. Сирдарё вилоятида эса февраль ойида ҳам ер ҳайдалди. Қизиқ, қиш фаслида қилинган шудгор далаларидаги ғўзапоя қачон чирийди?

Нафақат агротехниканинг бузилиши, балки ерларнинг шўрланиши, тупроқ эрозияси билан боғлиқ муаммолар ҳам ўз ечимини кутмоқда. Бу масалаларнинг моҳиятини қишлоқ хўжалигига жавобгар ходимлар тўлиқ ҳис этишлари лозим. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг аграр соҳада тизимни тубдан ўзгартиришга қаратилган «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида кўрсатилган вазифаларни бажариш бўйича нималар қилиш кераклиги ҳақида сўз юритилди. Модомики, қишлоқ

(Давоми 3-бетда).

Муносабат

*Америка Қўшма Штатлари етакчилигидаги халқаро коалициянинг Ироқни қуролсизлантириш мақсадида ҳарбий операцияларни бошлаганига, мана, бир ҳафта бўляпти. Шу кундан эътиборан юзлаб репортёрлар, оператор ва мухбирлар, ўз ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да, жаҳон жамоатчилигини содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан тезкорлик билан хабардор этиб туриш мақсадида сайёрамизнинг ушбу оловли нуқтасида иш олиб бормоқда.*

*Шунинг натижаси ўлароқ, дунёнинг барча йирик телерадиокомпаниялари, оммавий ахборот воситалари бу жараённи ёритиб келаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ер юзининг турли минтақаларига узатилаётган кўп сонли кўрсатувларда, турли нуқтаи назарларни ифода қиладиган мақола ва хабарларда баъзан бир-бирига зид келадиган фикрлар, ҳатто мутлақо асоссиз бўлган маълумотлар ҳам учрамоқдаки, бундан кўз юмиб бўлмайди.*

## ЭНГ АВВАЛО – ХОЛИСЛИК

Албатта, ҳар қандай уруш – бу оғир фожиа, катта мусибат, талофат ва йўқотишлар демакдир. Бинобарин, бу масалага енгил-елпи қараш, бу тўғрида қандайдир сиёсий, диний, миллий тор манфаатларни кўзлаган ҳолда худбинлик билан сўз юритиш, мафкуравий чайқовчилик қилиш, айниқса, ўзининг бирёқлама қарашларини мутлақ ҳақиқат, дея тарғиб қилиш, уларни матбуот, телевидение сўзига ишонадиган миллионлаб соддадил одамларнинг онгига сингдиришга уринишларни ҳеч бир сабаб билан оқлаб бўлмайди.

Афсуски, бугунги кунда айрим ғарб ва собиқ иттифоқ ҳудудидаги баъзи давлатларнинг оммавий ахборот воситаларида мазкур воқеаларнинг ёритилишини кузатган одам беихтиёр мана шу ҳарбий ҳаракатлар олис Ироқда эмас, гўёки шу мамлакатларнинг ўзида рўй бермоқда, деган хулосага келиши ҳам ҳеч гап эмас.

Акс ҳолда, Ироқда оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиш, бу ўта хавфли ажал уруғининг ёвуз ва жоҳил террорчи тўдалар қўлига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида коалицион кучларнинг амалга ошираётган жанговар ҳаракатларини оккупация, яъни босқинчилик, деб аталаётганини қандай тушуниш мумкин?

Акс ҳолда, кейинги 23 йил мобайнида ўз халқига нисбатан мудҳиш қатағон сиёсатини ўтказиб келаётган, Ироқда яшайдиган бошқа камсонли миллат ва элатларга қарши даҳшатли кимёвий қуролларни қўллаб, минг-минглаб бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлган мустабид Саддам Ҳусайнни миллий қаҳрамон, моҳир саркарда даражасига кўтариб тасвирлаш нимага керак бўлиб қолди?

Ёки бўлмаса, коалицион қўшинларнинг Ироқ ҳарбий базаларига қарши ҳаводан берган зарбаларини тинч аҳолига нисбатан шафқатсизлик, деб оламга айюҳаннос солаётган, айнан ана шу тинч аҳолини ўйлаб, қуруқликдан олиб борилаётган амалиётларни эса АҚШ ва Буюк Британия армиясининг заифлиги, деб талқин этаётган айрим оммавий ахборот воситалари аслида кимларнинг буюртмасини бажармоқда, кимларнинг ноғорасига ўйнамоқда, деган ҳақли савол туғилади.

Ёки баъзи бир хорижий телеканалларнинг Ироқда олиб борилаётган ҳарбий операцияларга қарши ўтказилаётган турли намойишларни бирёқлама акс эттиришга, хусусан, коалиция кучларининг талофатларини ва ҳарбий асирлар тўғрисидаги маълумотларни бўрттириб кўрсатишга уринаётгани ва, табиийки, бунинг замирида муайян сиёсий мақсадлар ётганини сезиш қийин эмас. Бошқача айтганда, бу борадаги вазиятни турли давлатлар ва сиёсий кучлар манфаатларининг тўқнашуви, улар ўртасидаги ўзига хос "ахборот уруши" деб баҳолаш мумкин.

Мана шундай ахборот воситаларининг информацион тазйиқи туфайли бутун куррамизда Ироқ воқеаларини безовталик ва хавотир билан кузатиб бораётган миллионлаб одамлар тасаввурида нотўғри таассурот ҳосил бўлмоқда.

Бундай ҳолатларнинг энг ёмон ва зарарли томони шундаки, у аввало аҳолининг тинчини бузади, низо ва қарама-қаршилик келтириб чиқаради, содда ва гўл одамларнинг юрагига ваҳима ва қутқу солади, бир сўз билан айтганда, жамиятда беқарор вазият вужудга келишига сабаб бўлади.

Биз буни узоқ ва яқин тарихимизда, хусусан, Ўш ва Фарғона воқеалари рўй берганида, кечаги Афғонистон можароси, жанубий сарҳадларимиз остонасига жангари тўдалар таҳдид солган кунларда чет эл ахборот воситалари мисолида кўп кўрганмиз. Ва шу боис бундай ахборот босимининг салбий оқибатларини яхши англаймиз.

Бундай ғирром ёндашувни айрим хорижий теледастурларда жаҳоннинг турли бурчакларида, жумладан, Чикаго, Нью-Йорк ёки бошқа шаҳарлардаги бир неча юз кишининг уруш ҳаракатларига қарши намойишлари қайта-қайта эфирга узатилаётганида ҳам кўриш мумкин. Лекин бугунги кунда АҚШ аҳолисининг 76 фоизи коалицион кучларни қўллаб-қувватлаётгани тўғрисида бу кўрсатувларда негадир мутлақо ломмим дейилмаяпти.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, 80-йилларда Ироқ ўз қўшниси Эронга қарши тажовузкорона уруш бошлаб, кимёвий қуролларни ишга солиб, қарийб бир миллион бегуноҳ аҳолини қириб ташлаганида, бу "инсонпарвар" намойишчилар қаерда эди? Худди шундай қирғин-баротларни Саддам Ҳусайн курд миллати ва Қувайт халқи бошига солганида-чи?

Ҳозирги қалтис, нотинч замонда телеэкранлар, радио тўлқинларини, газета-журналлар, интернет саҳифаларини тўлдириб, узлуксиз равишда хонадонларимизга кириб келаётган, онгу тафаккуримизга таъсир ўтказаётган, ғаразли мақсадларни кўзлаб амалга оширилаётган бундай информацион хуружлар кўзи очиқ, соф виждонли, ўзининг, Ватани ва фарзандларининг, умуман она сайёрамизнинг тақдири ва келажагига бефарқ қарамайдиган ҳар қандай одамни ташвишга солмасдан, безовта қилмасдан қўймайди, албатта.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунда Ироқ воқеалари муносабати билан оммавий ахборот воситалари фаолиятида кузатилаётган бундай нохуш ҳолатлар матбуотнинг тамал тоши, дунёнинг ҳамма жойида риоя этиш бирдек талаб қилинадиган асосий принципи – холислик тамойилига кўп ҳолларда амал қилинмаётганидан далолат бермоқда.

Модомики шундай экан, биз бу масалага, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ҳушёрлик ва сезгирлик билан муносабатда бўлишимиз, бу мураккаб вазиятни ёритишда нохолис йўл тутадиган ахборот воситаларининг ортида кимлар, қандай кучлар турганини, улар кимларнинг манфаатларини ифода этаётганини унутмаслигимиз даркор.

Чунки биз кечаги темир қафас ичида яшаган, ташқи оламдан узилган содда одамлар эмасмиз. Бугунги кунда турли манбалар орқали ёғилиб келаётган улкан ахборот оқими ичидан рост-ёлғонни ажратиб олишга, бошидан кўп-кўп синов ва машаққатларни ўтказган, оқ-қорани таниган халқ сифатида, ақлимиз ҳам, билим ва тажрибамиз ҳам етади.

**А. АҲМЕДОВ.**

# БЮДЖЕТ МАБЛАҒИГА «ҲОТАМТОЙЛИК»

## ёки Сурхондарёда капитал қурилиш борасидаги нуқсонлар ҳақида

*Қурилиш ташкилотлари эскича ишлашни давом эттирмоқда. Айниқса, марказлаштирилган ва бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган объектларни қуришга доир пудрат ишларини бажаришда смета нархларини, қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини сунъий тарзда ошириш ҳоллари кўплаб учрайди.*

**Ислом КАРИМОВ.**

2002 йилда вилоят қурилиш ташкилотларида 47 миллиард 2 миллион 972 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Бу кўрсаткич олдинги йилдагидан 2 миллиард 430 миллион сўм кўп. Қурилиш-монтаж соҳасида ҳам 2001 йилдагига нисбатан қарийб 4 ярим миллиард сўмлик кўп иш бажарилган. 928 ўринли мактаб, 60 ўринли шифохона, 650 ўринли қишлоқ тиббиёт пунктлари, 333,8 километрлик газ, 252,7 километрлик сув қувурлари тармоғи фойдаланишга топширилган. Бу маълумотлар, албатта, ҳисоботларда кўрсатилган. Аслида-чи?

Бу тизимдаги ишларнинг бугунги аҳволини қониқарли, деб айта олмаймиз. Келинг, соҳадаги айрим камчиликлар, эътиборсизликлар ва бюджетга тегишли маблағларни ўчоқнинг кули мисол осмонга сочиб ўйнаш ўйинларига доир мулоҳазаларимизни айтиб ўтайлик.

Вилоятда ҳозир 25 та мактабнинг қурилиши чала-чулпа ҳолда ётибди. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Р.Турсуновнинг айтишича, бу қурилиш объектларининг ичида 15-20 йил аввал бошланганлари ҳам бор.

Олтинсой саноат касб-ҳунар коллежи қурилиши 2000 йилда ниҳоясига етказилиши керак эди. Лекин маблағ, ишчи кучи, бошқа резервлар етарли бўлса-да, ишда ҳамон ўнгланиш сезилмаяпти. Айрим мутахассисларнинг эътироф этишича, агар мавжуд имкониятлар мақсадга тўғри йўналтирилганда муаммоларга ўрин қолмас, объект ўз вақтида фойдаланишга топшириларди. Афсуски, бош пудратчи — “Денов қишлоқ қурилиш” ҳиссадорлик жамиятининг собиқ раҳбарлари (бошлиғи Шароф Дўстқобилов) бошқачароқ иш тутишди. Қурилиш пулига “Эспера” русумли енгил машина сотиб олишди. Миллионлаб сўм маблағни аллақандай фирма ва корхоналарнинг ҳисобига ўтказиб, шунинг ҳисобига чўнтакларини қаппайтиришди.

— 56 миллион сўм пул шу тариқа мақсадсиз йўналтирилган, — дейди ҳиссадорлик жамиятининг ҳозирги раиси Анвар Бойқулов. — Дебиторлик қарзларимиз 80 миллион сўмдан зиёд. Давлат бюджетидан бу йил 315 миллион сўм пул ажратиляпти. Энди шу маблағ билан коллеж биносини битказамиз.

Биз, шунингдек, авваллари вилоятдаги қурилиш ташкилотларининг энг пешқадами ҳисобланган ва ҳозирда “Бунёдкор-26” ҳиссадорлик уюшмаси, деб номланган корхонанинг 2002 йилдаги ишлари билан ҳам қизиқдик. Уюш-

### Қурилишда қачон бурилиш бўлади?

манинг идораси Жарқўрғон шаҳрида жойлашган. Биз борганимизда, идорада жимжитлик ҳукм сурар, ҳеч ким йўқ эди.

— “Бунёдкор-26”нинг раҳбарлари ярим йилдирки, суд-тергов идораларига қатнашмоқда. На ишу, на ҳисоб бор уларда, — изоҳ берди Жарқўрғон тумани ҳокими ўринбосари Ш.Чориев.

Чориев тўғри айтган экан. Бу ерда содир этилган қўшиб ёзишлар, талон-тарожликлар, қарзу қаволалар тилга олинса, вужудингиз ўз-ўзидан титраб кетади-ёв...

Қаюм Эркаев уюшмага атиги бир ярим йил — 2000 йил июнь ойидан 2002 йил январгача раҳбар бўлди. Корхонанинг оёғини осмондан келтирмоқ учун унга шу қисқа муддат кифоя қилди. Ғавғо аслида раиснинг бош ҳисобчи М.Қосимовни ишдан бўшатишидан бошланди. Қосимов буни ноҳақлик, деб билиб, тегишли идорага мурожаат қилди. Шундан кейин ўтказилган текширишларда қуйидагилар очилиб қолди: бир ярим йил мобайнида маъмуриятнинг айби билан 1 миллион 414825 сўм иш ҳақи нотўғри тўланган. Уч ҳолатда уюшма ҳисобида бўлмаган автомашиналарни таъмирлаш учун 1 миллион 300 минг сўм чиқим қилинган. Биргина хўжалик ишлари мудири Х.Қурбоновнинг ҳисоботида 803,7 минг сўмлик ёнилғи-мойлаш материаллари нотўғри сарфлангани аниқланган.

Энди бу ёғини эшитинг.

“Тўлқин” хусусий фирмаси 2001 йил 27 май куни “Халқобод” жамоа хўжалигида қишлоқ врачлик пунктини қуриш тўғрисида уюшма билан 12-сонли шартнома тузади. Уюшманинг қурилиш лабораторияси шартнома тузилганидан бир ой ўтгач, қурилиш бўладиган жойнинг тупроқ зичлиги тўғрисидаги хулосани имзолайди. Буни қарангки, худди шу куни Қаюм Эркаев ҳам “Тўлқин” хусусий фирмаси қишлоқ врачлик пунктида 3993,7 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилгани ҳақидаги сохта ҳужжатга жимжимадор қўл қўяди...

Албатта, бу ғирромликнинг миси чиқди. Ишчи гуруҳи “Тўлқин”нинг ўша объектда бажарган иши 195,1 минг сўмликдан ошмагани ҳақидаги ҳужжатни расмийлаштирди.

Уюшма устаси Н.Бозоров ва таъминотчиси Т.Бўриевларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам бошлиқникидан қолишмайди. Бозоров 8-сонли ишончнома (2001 йил 18 январь) билан “Адҳам” хусусий фирмасидан 70 дона (жами 700 минг сўмлик) ФБС ашёси олиб, уни “277-ХМЖК” деган қурилиш ташкилотига берганини ҳисоботда кўрсатади. “277-ХМЖК” бўлса бунақа ашёни олмаган бўлиб чиқади. Шундан сўнг Бозоров ўша ФБСларни кўрмаганини ва Эркаевнинг айтганидан чиқолмай, уларни ҳисоботга киритганини тушунтирмоқчи бўлади. Ажаб, Жарқўрғонда ФБС ва шунга ўхшаш ашёлар ишлаб чиқарадиган 2 та завод бор ва бу заводларнинг одамлари “Остонамиздан қачон мижоз ҳатлар экан?” деб кутиб ўтирадилар. Мижоз бўлса завод билан эмас, “Адҳам” билан олди-берди қилишни хуш кўради...

Таъминотчи Т.Бўриевнинг ҳисоботига кўра, 2001 йил 31 мартдаги 1-юк хати билан уюшмага 7300,6 минг сўмлик эшик ва дераза ромлари олиб келинган ва қурилиш бўлинмаларига тарқатилган. 2001 йил 17 май куни Қарши туманидаги “Оқ йўл” хусусий корхонаси томонидан ёзилган рақамсиз юк хатида ўша эшик ва дераза ромларига 1550 минг сўмлик қўшимча нарх тўланиши кўрсатилган. Уюшма энди ўша қўшимча нархларни эшик ва деразани олган бўлинмаларнинг юк хатларига қўшиб ёзган-у, лекин ҳалиги 1550 минг сўм уюшманинг бухгалтерия ҳисобига кирим қилинмаган...

Хуллас, таъминотчи Т.Бўриевнинг асоссиз чиқим ва камомадлари 43 ҳолатда 9291,8 минг сўмни ташкил этди. Уюшма бўйича эса 290 ҳолатда содир этилган ғирромликларнинг баҳоси 113 миллион сўм эканлиги аниқланди. Ваколатли идораларнинг қайта текширишларида буларнинг бариси асосан ўз исботини топди.

Мана, сизга бюджет маблағига Эркаевча “ҳотамтойлик”!

**Олимжон УСАНОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

*Бухоро вилоятидаги Ғиждувон пахта тозалаш заводи маҳсулотлари нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам тобора харидоргир бўлиб бораяпти. Эндиликда бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 98 фоизи Италия, Англия, Жанубий Корея, Россия, Швейцария каби хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.*

***СУРАТДА: завод лаборатория бошлиғи Зайтуна Қурбонова ва лаборант Фароғат Исломова.***

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**



# ГАП ИШОНЧНИ ОҚЛАШДА

Яқинда ўртоғим билан Тошкент универмагига тушган эдик. У ердаги кийим-кечакларни кўриб, сўнг пайпоқ бўлимига ўтдик. Бир харидор сотувчидан:

— Туркиянинг пахтали пайпоқларидан борми,— деб сўради.

Сотувчи аёл унга жавобан:

— Туркияники эмас-у, Тошкентда ишлаб чиқарилган пахта пайпоқлар бор, булар ҳам сифатли,— дея растадаги пайпоқлардан бирини узатди. Бунга биз ҳам қизиқиб биттадан олиб кўрдик. Чиройли қоғоз билан жуфтланган бу маҳсулотнинг табиий толадан эканлигини ушлаб кўриб билиш мумкин. Айниқса, “Made in Uzbekistan” ёзувини ўқиб кўзингиз яйрайди. Шу пайт ҳамроҳим ёрлиғини ўқиркан:

— Э, Баҳодир ишлаб чиқараётган пайпоқ-ку,— деб қувониб кетди.

— Қайси Баҳодирни айтаяпсан?

— Сен танимасанг керак, — деди у бироз ҳовуридан тушиб. — Тадбиркор йигит, хоҳласанг у билан таништириб қўяман,..

Шу бўлди-ю, у билан танишдим. Баҳодир Пўлатов пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида уч йилдан буён пайпоқ ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келар экан. Саккиз турда катталар, олти турда эса болалар пайпоғини тўқишдан тортиб ранг беришгача шу ерда ўрнатилган йигирмата ускунада бажарилар экан. Айтганча, Баҳодирнинг ишлаб чиқаришини кенгайтиришда “Бизнесфонд”дан олган ўн икки миллион сўм кредити қўл келибди. Бу кредит эвазига олинган ускуна бир кеча кундузда тўрт минг дона пайпоқ ишлаб чиқариш қувватига эга экан.

— Ускуналарнинг барчасини бир киши эплаши мумкин. — дейди тадбиркор. — Мабода ип узилгудек бўлса чироғи ёниб тўхтайди. Оператор ипни улагач, яна ишлайверади.

Тадбикорнинг иш фаолиятидан яна шу нарса аён бўлдики, пайпоқ учун хомашё ўзимиздан Андижон, Поп, Урганч шаҳарларидаги ип-йигирув корхоналаридан олинаяпти. Айни пайтда бу ерда ўн киши меҳнат қилмоқда.

— Маҳсулотни хорижга чиқаришни ҳам ўйлаяпсизми? — дея Баҳодирни саволга тутдим.

— Маҳсулотимизнинг 95 фоизини Россияга чиқаряпмиз. — деди. — Айрим сабабларга кўра уч ой цехни тўхтатган эдик. Ишонасизми, мижозларимиз бетиним телефон қилиб, менга фалон миқдорда, менга пистон миқдорда пайпоқ керак, деб ҳоли жонимизга қўймади. Яқинда Россиянинг Энергетика вазирлиги кунига ўн минг жуфт пайпоқ жўнатиб туришимизга буюртма берди. Бу, биз — ишлаб чиқарувчилар учун катта имконият. Лекин гап бу ерда ишончни оқлашда. Масалан, улар ип таркибига умуман сунъий тола қўшмасликни бизга шарт қилиб қўйишган. Кўриб турганингиздек, фақат пахта толасидан тўқилаяпти.

Тадбиркор билан суҳбатимиз узоқ чўзилмади. Лекин қисқа гурунгимиз асносида у айрим муаммоларни ҳам яширмади:

— Маҳсулотни Россияда сотганимиздан сўнг, — дейди Баҳодир Пўлатов, — тадбиркор сифатида у ердан ўзимизнинг бозорларда талаб катта бўлган, айтайлик, ёғоч, машина шиналарини олиб қайтгим келади. Лекин товарни киргизишда божхона ҳужжатларини расмийлаштириш сал қийин кечаяпти. Энди қаранг, у ёқдан пул кўчириш ўрнига шундай товарларни олиб келсак, таъминот масаласида оз бўлса-да, ҳисса бўлиб қўшилади-ку...

Тадбиркорнинг бу мулоҳазалари ўринлидир, балки. Бу каби муаммолар аста-секин ўз ечимини топади, албатта. Лекин мени бошқа бир нарса хурсанд қилди. Оддийгина ўзбек йигити бугун цех очиб дунёга пайпоқ сотмоқда. Қани энди, олибсотарликни ўзига касб қилган бошқа “ишбилармонларимиз” ҳам Баҳодир сингари йигитларимиздан ўрнак олиб четдан маҳсулот олиб келишни эмас, балки четга рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш йўлларини қидиришса...

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

# Танлов ташкилотчилари билан учрашув

*Бугун Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти совринлари учун анъанавий “Ташаббус—2003” кўрик-танлови бўлиб ўтади. Шу муносабат билан куни кеча Миллий матбуот марказида танлов ташкилотчиларининг ОАВ ходимлари билан учрашуви ўтказилди.*

Таъкидландики, хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, илғор тадбиркорлар тажрибасини оммалаштириш, уларнинг касб маҳорати, билим даражасининг ошишига имконият яратиш, тажриба алмашуви, маҳсулотлар рекламасини ташкил этиш танловнинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Маълумки, жорий йилнинг ўтган даврида республикамизнинг барча туман (шаҳар)лари ва вилоятларида бўлиб ўтган танловнинг биринчи ва иккинчи босқичларида 11.530 нафар тадбиркор иштирок этди. Уларнинг орасидан ғолиб деб топилган 14 нафар тадбиркор, шунча ҳунарманд ва 13 нафар фермер республика босқичига йўлланма олди. Энди улар “Матиз” автомашиналари ҳамда олтин медаллар учун кураш олиб борадилар. Иккинчи, учинчи ўрин соҳиблари эса кумуш ва бронза медаллар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Булардан ташқари, “Энг яхши тадбиркор аёл”, “Энг кўп экспорт қилган корхона”, “Менежмент бўйича энг яхши ўқитувчи”, “Энг интизомли солиқ тўловчи”, “Энг ёш тадбиркор”, “Тадбиркорлик фаолиятни энг яхши ёритган тележурналист ва журналист” йўналишлари бўйича ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар таъсис этилган.

Анжуманда кўрик-танлов ташкилотчилари журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтардилар.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**



*Фарғона туманидаги «Чимёнфорум» фирмаси айни пайтда 15 турдан зиёд манзарали бетон плиталари ишлаб чиқармоқда. Улар бежирим ва сифатли эканлиги боис, қўшни Наманган ва Андижон вилоятидаги қурилиш ташкилотлари ҳам харид қилишаяпти. Иқтисодий салоҳияти юксалиб бораётган корхона жамоаси Обод маҳалла йилида болалар боғчаси, шифохона, маҳаллаларда баҳоли қудрат хайрия ёрдамларини ҳам кўрсатиб келмоқда.*

**СУРАТДА:** ***ишчи Иброҳим Сатторов маҳсулот сифатини кўздан кечираяпти.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# РЕКЛАМА — АНГЛАГАНГА ЭРМАК ЭМАС

### Маъно ва мақсад

“Одамлар-у одамлар, эшитмадим деманглар...”

Қадимда жарчилар тўй, тантана, турли тадбирларнинг қачон ва қаерда, нима сабабдан ўтказилишини шу тарзда маълум қилишган. Бозорларда сотувчилар ўз молларини “Кеп қолинг, об қолинг, еганлар дармонда, емаганлар армонда”, дея мақтаб сотишганини ҳам биламиз.

Масалага шу маънода ёндошадиган бўлсак, ҳозирда реклама ва эълонлар, деб ном олган фаолият илк бор Шарқда тарқалган, дейишга асос бор. Чунки “реклама” — асли лотинча сўз бўлиб, бақирмоқ, қичқирмоқ, деган маънони англатади. У бирор бир киши, бирор бир нарса тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш, уни истеъмолчилар ўртасида оммалаштириш мақсадида амалга оширилади.

Тараққиёт туфайли реклама ва эълонлар эндиликда катта техник имкониятларга эга воситалар орқали амалга оширилмоқда. Унинг таъсири биз тасаввур қилган даражадан ҳам кучли.

Шу ўринда бир мисол. Косметика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Америка фирмаларидан бири тўсатдан молиявий инқироз ёқасига келиб қолади. Йил якунларига кўра ҳисоб-китоб қилинганда, инқирозга арзигулик сабаб топилмайди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати ҳам, сони ҳам жойида. Янги технологияни татбиқ этиш ишлари ҳам бинойидек. Мутахассислар бу тўғрида узоқ вақт бош қотиришади.

Маълум бўлишича, фирма ўз маҳсулотларининг “машҳур”лигига ишониб рекламани бўшаштириб юборган экан. Дарҳол, янги реклама матни учун танлов эълон қилинган. Юзга яқин тавсиялар ичидан энг зўри танлаб олиниб, кўпгина оммавий ахборот воситалари ишга солинган. Кўп фурсат ўтмай фирма мавқеини тиклаб олган. Мақсадга эришиш учун фирма ўз даромадининг 50 фоизга яқинини сарфлаган.

Бу хориждаги реклама фаолиятидан бир кўриниш. Хўш, бу иш бизда қандай йўлга қўйилган?

### Мақтовга арзигулик маҳсулот борми?

Ҳозирча ҳамма ҳам ўз болаларига “Сникерс” ёки кокос мевасидан тайёрланган “Боунти” шоколадини олиб беролмаслиги мумкин. Тишимизни ҳам “Дентаменд” ёки “Колгейт”да эмас, оддийроқ пастада ювиб турармиз. Лекин иқтисодий жиҳатдан имконият туғилганда кенг реклама қилинаётган бу каби маҳсулотларни сотиб олиш истаги кучайиши табиий. Бас, шундай экан, ана шу истак ўзимизда — Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга нисбатан уйғонса, нур устига нур бўлур эди.

Айни пайтда, рекламага арзигулик қанақа маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз, деган савол ҳам туғилади. Ахир, айрим ишлаб чиқариш соҳаларимиз оқсаётгани сир эмас-ку! Буни Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида келтирилган ушбу далиллар ҳам исботлайди:

### Мулоҳаза

“Бугунги кунда ички бозорда сотилаётган тикувчилик маҳсулотларининг 75 фоиздан кўпроғи, пойабзалнинг 50 фоизи, атир ва синтетик ювиш воситаларининг деярли 80 фоизи, республикамизда истеъмол қилинаётган мол ёғи ва консерваларнинг 50 фоиздан зиёди, маиший электроника буюмларининг эса деярли 100 фоизи Ўзбекистонга четдан олиб келинаяпти”.

Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситаларида реклама қилинаётган маҳсулотларга эътибор берадиган бўлсак, аксарияти хорижда ишлаб чиқарилган. Лекин республикамиздаги катта-ю кичик минглаб корхона, завод ва фабрикаларда, наҳотки рекламага арзигулик маҳсулотлар ишлаб чиқарилмаяпти?

Йўқ, унчалик эмас. Мен ўта сифатли, фойдали маҳсулот ишлаб чиқарадиган бир корхона раҳбарини биламан. Улар маҳсулотларини ҳатто хорижга ҳам экспорт қилади, лекин реклама қилишдан унчалик манфаатдор эмас. Нега? Ахир машҳур бўлса, маҳсулотларнинг сотув ҳажми кўпаяди. Бундан ташқари, шу йилдан бошлаб маҳсулотлар рекламаси учун олинадиган солиқ бекор қилиниб, тадбиркорлар учун яна бир енгиллик яратилди-ку?

Корхона раҳбари буни “агар реклама бўлса, турли хилдаги текширувчиларнинг кети узилмай қолади”, дея изоҳлади. Шу боис улар эътиборга тушмасликни афзал билишар экан.

Албатта, ўз маҳсулотини тарғиб қилиш ёки қилмаслик ихтиёрий нарса. Биз “Made in Uzbekistan” тамғаси остида кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва уларга нисбатан халқимизда рағбат уйғониши тарафдоримиз, холос.

Умуман олганда, реклама фақат маҳсулотни мақтаб сотишга хизмат қилади, дегувчилар бир оз адашадилар.

### Бир жумлада бутун бир ғоя..

Тарғибот воситаларидан нафақат иқтисодий соҳада, балки, ижтимоий соҳада ва ҳатто давлатлар сиёсатида ҳам фойдаланилади. Маълумотларга кўра, АҚШ бунинг учун йилига 2,5 млрд. доллар, Франция эса 100 млн. франк сарфлар экан. Бу бежиз эмас, албатта.

Бизда ижтимоий-сиёсий мазмундаги реклама фаолиятини ҳам кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Бу борада оммавий ахборот воситалари ичида телевидение нисбатан фаол. Миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни асраб-авайлаш, кексаларга ҳурмат, ватан мавзуида тарғибот рекламалари бериб турилади. Уларнинг кўпчилиги чиройли бўлиши мумкин, аммо таъсирчан эмас. Юракни “жиз” эттирмайди. Бундай нисбатни шоҳкўчалар бўйлаб жойлаштирилган рекламаларга ҳам бериш мумкин. Уларнинг ҳажми катта, матбаа сифати ҳам ёмон эмас. Фақат матни баландпарвоз, умумий, қуруқ сўзлардан, шиорлардан иборат. Уларга қараб туриб, пул топишнигина эмас, сарфлашни ҳам билиш керак, деган ибора ёдга тушади. Шу ўринда рекламаларнинг тили ҳақида ҳам сўз юритсак.

